

## ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШГА РАҚАМЛИ ТЕНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

**Ҳакимов Шерзодбек Набиджонович**

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

Давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштириш бўйича ваколатли давлат органи сифатида ягона давлат сиёсатини юритиш ҳамда давлат активларини очиқ ва шаффоф хусусийлаштириш орқали уларнинг иқтисодиётдаги улушини муттасил қисқартириб бориш, хусусийлаштириш тартиб-таомилларини соддалаштириш вазифалари Давлат активларини бошқариш агентлигига юклатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 июнда қабул қилинган "рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматнинг ривожланиш ҳолатини рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 373-сон қарорига асосан, махсус NIS.UZ тизими орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ҳар уч ой якунлари бўйича рақамли трансформасия ҳолатини рейтинг баҳолаш амалга оширилади ва унинг натижалари "рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи комиссия йиғилишларида танқидий муҳокама қилинади.

Юқоридаги тартибга кўра, 2023 йил II ярим йиллик якуни бўйича рақамли трансформасия ҳолатини рейтинг баҳолаш жараёнида 43 та давлат органи, 38 та хўжалик органи ва 14 та маҳаллий ҳокимликлар: жами 95 та давлат ташкилотлари қамраб олинди.

Рейтинг баҳолаш ишлари 5 та йўналишда амалга оширилган:

- чиқлик ва электрон иштирок;
- электрон давлат хизматлари;
- ахборот хавфсизлиги;
- фаолиятнинг рақамлаштирилганлиги;
- ашкилий масалалар.

Баҳолаш натижаларига кўра, Давактив агентлиги очиқлик ва электрон иштирок индексида 86,5 фоиз, ахборот хавфсизлиги индексида 94,6 фоиз, фаолиятни рақамлаштирилганлик индексида 100 фоиз ҳамда ташкилий масалаларда 96,7 фоиз, жами ўртача 92,17 фоиз натижа билан давлат органлари ўртасида иккинчи ўринни егаллади.

Хусусан, 2024 йил Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тизим фаолиятида давлат хизматларини рақамлаштириш, рақамлаштириш, очиқлик, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қуйидаги ишлар амалга оширилди(1-расм):



**-расм. Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятида давлат**

**Х**

**И**

1. Давлатив агентлиги томонидан кўрсатиладиган анъанавий 5 та давлат хизматлари тўлиқ рақамлаштирилди ва ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ва Давлат хизматлари марказлари орқали хизматларни кўрсатиш йўлга қўйилди.

**Т**

2. Давлатив агентлиги томонидан "Erxususiyashtirish" автоматлаштирилган ахборот тизимининг янги талқини ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди. Жисмоний ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини масофадан туриб хусусийлаштириш имкониятига эга бўлди. Мазкур хизматдан масофадан туриб ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ёки исталган Давлат хизматлари марказлари орқали ариза бериш ва хусусийлаштирилганлиги тўғрисида order ва кўчирмани электрон рақамли имзо (QR kod) билан тасдиқланган ҳолда олиш имконияти яратилди. Ушбу жараёнларни барчаси тўлиқ рақамлаштирилган ва инсон омили чекланган.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳукумат топшириқларига мувофиқ, 4 та ахборот тизимлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий етилди. Шунингдек, Давлатив агентлиги тизимида "Edo.ijro.uz" - ягона электрон хужжат алмашинуви тизими, шунингдек "ХУМО" миллий мессенжери амалиётга жорий етилди.

**Ш**

4. Давлатив агентлигининг "Давлат мулки" ахборот тизими 9 та вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 16-июндаги ПФ-6247-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, масъул таркибий бўлинмаларидан очик маълумотлар умумлаштирилиб, Давлатив

**1**

<sup>1</sup> Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий вебсайти маълумотидан фойдаланилди.

агентлигининг расмий веб-сайти (davaktiv.uz) ва очиқ маълумотлар порталида маълумотлар ўз муддатларида янгиланиб борилди.

6. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича Давактив агентлигининг ахборотлаштириш объектлари, расмий веб-сайти (davaktiv.uz) ва мавжуд барча ахборот тизимлари ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги бўйича экспертизадан ўтказилди ҳамда лисензияланган дастурий маҳсулотлар жорий қилинди.

7. Давактив агентлиги директори ўринбосарларидан бирига рақамлаштириш бўйича ўринбосар (Chief Digital Officer) ваколатлари юклатилди. Давактив агентлигининг ташкилий тузилмасида алоҳида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бошқармаси ташкил этилди. Бошқарма бошлиғи рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилди. Бошқарманинг барча ходимларини ахборот технологиялари ва киберхавфсизлик бўйича малакалари оширилиб, тегишли сертификатларга ҳамда халқаро ИТ сертификатларига ега бўлди.

Шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича Давактив агентлигининг ахборотлаштириш объектлари, расмий веб-сайти (davaktiv.uz) ва мавжуд барча ахборот тизимлари ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги бўйича экспертизадан ўтказилди ҳамда лисензияланган дастурий маҳсулотлар жорий қилинди.

”2024-йилда Давактив агентлигининг фаолиятини рақамлаштириш, электрон хизматлар улушини ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича” Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги ўртасида тасдиқланган йўл харитасининг 6-бандига асосан, Давактив агентлиги тизимида 2024-йилнинг 1-июнидан бошлаб, “Edo.ijro.uz” тизими амалиётга жорий этилди.

Давактив агентлигининг 2024 йилга мўлжалланган ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК билан келишилиб тасдиқланди ва унда белгиланган топшириқларни бажариш ишлари олиб борилди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги 2025 йилда рақамлаштиришни жорий этиш бўйича қуйидаги асосий йўналишларда ишлар олиб боришни режалаштирмоқда.

Давлат мулкнинг рақамли реестрини такомиллаштириш: давлат активлари тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва аниқлигини таъминлаш мақсадида мавжуд рақамли реестр янгиланади ва такомиллаштирилади.

Ахборот тизимларини интеграция қилиш: турли давлат идоралари ўртасида маълумот алмашинувини яхшилаш учун ахборот тизимларини ўзаро боғлаш ва интеграция қилиш ишлари амалга оширилади.

Рақамли хизматларни кенгайтириш: аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш мақсадида янги рақамли хизматлар ишлаб чиқилади ва жорий этилади.

Киберхавфсизликни кучайтириш: давлат активларини бошқаришда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун замонавий киберхавфсизлик чоралари кўрилади.

Кадрлар салоҳиятини ошириш: рақамли технологиялар бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва мавжуд ходимларнинг малакасини оширишга қаратилган ўқув дастурлари амалга оширилади.

Ушбу чора-тадбирлар давлат активларини бошқаришда шаффофлик ва самарадорликни оширишга қаратилган бўлиб, рақамли трансформация жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ-158 сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2023-йил 9-мартдаги “Давлат мулкани бошқариш тўғрисида”ги Қонуни.

3. <https://davaktiv.uz/>.